



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 27 июль, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (12.965)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛ - INDEPENDENCE - MUSTAQILLIK
24
O'ZBEKISTON

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасида 2015 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



А.А. Абдулқадирова: Ота-бобо

ЭКСПОРТЧИ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Жамғарма ижроочи директори Жаҳонгир Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлар учун янада қулай ва эркин муҳит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда кичик бизнес корхоналари қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эhtiёж моллари, кийим-кечақлар, электротехника воситалари ва бошқа кенг турдаги товарларни ишлаб чиқармоқда,

замонавий хизматлар кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 8 августда қабул қилинган қарори асосида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси уларнинг товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришида яқиндан қўмаклашмоқда. Бу жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётди.

Жамғарма ва унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдидан ҳақ тўламасдан, аккредитив очмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга. Буларнинг барчаси уларга катта имтиёз яратиб, экспортга кенг йўл очаётди.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизда «Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли» мавзусида республика семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда сенаторлар, депутатлар, вазири ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар, ижтимоий шериклик бўйича жойлардаги жамоат комиссияларининг раислари иштирок этди.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ривожланишини таъминловчи қонунчилик базаси яратилди. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида», «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, мамлакат ҳукуматининг қарорлари қабул қилинди.

Сиёсий янгиланиш ва жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида нодавлат

нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш уларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Фақат эркин, мустақил, етарли даражада молиявий ресурсларга эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши мумкин.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ЖАМОАТ КОМИССИЯЛАРИГА УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ КЎМАК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини изчил ва мустақил ривожлантиришни таъминлаш, мамлакатни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини қучайтириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

2008-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 47 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига йўналтирилди. Лойиҳалар ҳаётга кенг жорий этилаётгани натижасида баркамол

авлодни вояга етказиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва аҳоли бандлиги, маданият ва спорт, экология каби соҳалардаги давлат дастурларининг бажарилишига жалб этилган ННТлар сафи тобора кенгаймоқда.

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустақамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари билан ижтимоий шерикликдаги роли жамиятимизда тобора

оборит бормоқда. Бугунги кунда ижтимоий шериклик институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Бунда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳамкорликнинг янги истиқболларини очишда муҳим дастурламал бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 1 январдан қуча кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини

Г. БИРКЛ:

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» УЧУН БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ КЎҲНА САМАРҚАНДДАН МУНОСИБ ЖОЙ ЙЎҚ

Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш катта. Чунки бу мусиқий анжуманда маданий-гуманитар ва мусиқа доиралари вакиллари, фольклор ҳаваскорлари ҳамда ихлосмандлари том маънодаги маданиятлараро мулоқотнинг гувоҳи бўлади.

Silk Road Company ижтимоий-маданий компанияси директори Герхард Бирклинг (ГФР) таъкидлашча, «Шарқ тароналари» фестивалининг Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида ўтказилиши рамзий маънога эгадир. Негаки, ҳар иккала байрам ҳам Ўзбекистоннинг кўҳна ва замонавий тарихи билан боғлиқ. Улар ёш мустақил республиканинг маънавий қадриятларга ва маданий анъаналарга содиқ эканлигини ҳам яққол намоян этиди.

— Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 1997 йилдан буён ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль бу йил ўзининг биринчи юбилейини нишонлайди, — деди у. — Регистон майдонида дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган санъат усталари ўз санъатларини намойиш этадилар. Бу форумда тинчлик, дўстлик, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат юзлар тараннум этилади, ижодий алоқалар мустаҳкамланади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг иштирокчилари сони йилдан йилга ортиб бораётгани унинг тобора оммавийлашаётганидан далолатдир. Менинча, бундай фестивални ўтказиш учун Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна ва навқирон Самарқанддан бошқа муносиб жой йўқ. Инсоният эришган муваффақиятларга назар ташлар эканмиз, Европа тарихи Шарқ халқлари, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди билан узвий боғлиқ эканлигини кўраимиз. Шу ўринда Ўзбек замидада туғилган ва ижод қилган Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, ал-Хоразмий, Беруний, Бобур каби қўллаб буюк мутафаккирлардан қолган илмий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги ноёб меросни ёдга олишнинг ўзи қийодир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Мазкур сана муносабати билан республиканинг барча аҳолисини чин дилдан қутлайман. Ўзбекистон халқига тинчлик-ҳотиржамлик, фаровонлик ҳамиша ёр бўлсин, танланган тараққиёт йўлида бундан ҳам юксак чўққилар насиб этишига тилакдошман.

«Жаҳон» АА
Берлин

ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегаралар белгиланган ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлашнинг институционал жиҳатларини ҳам назарда тутган. Хусусан, ушбу қонуннинг 18-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари шакллантирилди.

Анжуманда жойларда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлашнинг бугунги ҳолати, соҳада эришилган натижалар, мавжуд долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари атрофида муҳокама этилди. Жамоат комиссиялари фаолияти самарадорлигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат дастурлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашилари қoшida ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари фаолиятининг истиқболли йўналишларини қамраб олган комплекс режаси белгилаб олинди.

Жамоат комиссиялари фаолияти самарали ташкил этилиши, аъзоларнинг ўзларига ишониб топширилган вазифаларни бажариши давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик янада ривожланишида, энг асосийси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларини фаол иштирок этишини таъминлашда, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки қўламини кенгайтиришда, демократик ўзгаришлар ва модернизация жараёनларидаги дахлдорлигининг ошишига хизмат қилади.

Назозат Усмонова,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ҳамда устувор вазифалар ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

● Фарғонада Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль иштирокчилари спортнинг сузиш, енгил атлетика, гимнастрада, дартс, шахмат-шашка, волейбол, стол теннис каби турлари бўйича ўзаро баҳслашди.

● Урганчада «Ўзбекистонда ҳакамлик судлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда «Ҳакамлик судлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг низолатини ҳал қилишдаги роли ва аҳамияти», «Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни ҳўжалик судлари томонидан кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг судлар томонидан кўриб чиқиши амалиёти», «Ҳакамлик судлари қарорларини ижро қилиш тартиби ва муаммолари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

● Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон халқ ҳофиси Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишланган республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган кўрик-танловнинг мамлакат босқичида 20 нафар хонанда ва ҳаваскор мақом ижрочиси ўз санъатини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Якунланган чорақда Испанияда ишсизлик даражаси аввалги уч ойдаги 23,78 фоиздан 22,37 фоизга пасайди. Мамлакат статистика миллий агентлиги томонидан маълум қилинишича, бу сўнги тўрт йилда бандлик масаласида қайд этилган энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.

● Жорий йилнинг иккинчи чорақда «Daimler» концерни (Германия)нинг даромади 54 фоиз ошди. Натижада автомобилсозлик корхонаси 3,8 миллиард евро микдорида маблаг ишлаб олган. Бу экспертлар тахминидан кўпроқ. Негаки таҳлилчилар «Daimler» бу даврда 3,31 миллиард евро даромад кўришини баъшорат қилишганди.

● Ҳиндистон шарқидаги Ассам штатида зилзила рўй берди. Кучланиши 5,6 балли ташкил этган ер силкинишининг маркази Кок-ражхар шаҳри яқинида 10 километр чуқурликда қайд этилган. Қурбонлар ва жабрланганлар, шунингдек, табиий офат келтирган талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Орзулари бир олам Сардорбек 21 ёшида автоҳалокатга учраб, кўриш қобилиятини йўқотди. У узоқ муддат изтиробда, нима қилишни билмай гангиб қолди. Яшашга бўлган интилиши туфайли қисқа фурсатда брайлер ёзувини ўрганиб, ногиронларга мўлжалланган касб-хунар коллежиди тахсил ола бошлади. Бу ерда Соҳиба исмли қизни учратиб, оила қуришди. Улар ҳозирда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли «Тикув зиё файз» ўқув ишлаб чиқариш жамиятида меҳнат қилишмоқда.



Ислом Исмоилов олган сурат

ЯРАТИЛГАН ИМКОНияТЛАРДАН РУҳЛАНИБ...

— Юртимизда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг чеки йўқ, — дейди Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли «Тикув зиё файз» ўқув ишлаб чиқариш жамиятининг директори Гулбаҳор Қосимова. — Лекин ана шу ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, уйда ўтиравериш ҳам ярашмайди. Инсон атрофидагиларга ҳаммаша қувонч ва бахт келтириши, ўзи ҳам ана шу бахтдан завқланиб яшаши керак, албатта. Буюртма бўйича тикувчилик ва пластмасса маҳсулотлари тайёрлайдиган хотин-қизларни ишга қабул қилдик.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий муҳофазига муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жисмоний

имконияти чекланган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, соғлом кишилар қаторида таълим-тарбия олиши, касб-хунар ўрганиши ва меҳнат фаолиятини юритиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Ўттизга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада тикувчилик ва пластмасса маҳсулотлари тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Ушбу масканларда аҳоли буюртмаси ва бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ишчилар ногиронлик нафақасига қўшимча равишда, меҳнатига яраша маош олмақда. — Жисмоний имкониятимиз чекланган бўлса-да, ғайрат-шижоатимиз туфайли иш самарадорлиги тобора ошмоқда, — дейди Соҳиба Маматова. — Касб-хунар коллежиди тикувчилик йўналишида тахсил олиб, мазкур кор-

хонада бир йилдан буён маҳоратимни оширмоқдаман. Турмуш ўртоғим ҳам бирга ишлайди. Матрас ва кўрпаларни қавиш, нингага ип ўтказишда аввалига қийналган бўлсаларда, ҳозирда кўллари келишиб қолди. Биз тикаётган чойшаблар, махсус кийимлар буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Ҳозирда корхона ўзининг интернет сайтига эга. Уч йилдирки, кооперацион биржаларда, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этмоқда. Солиқда яратилган имтиёзлар туфайли корхона маҳсулотларининг нархи арзонлиги, буюртмачилар учун айна мудида бўлмоқда. — Ҳар бир чоракда буюртмачиларга 250-300 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмоқда, — дейди Г.Қосимова. — Мисол учун, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,

Тошкент олимпия заҳиралари коллежи, Солиқ академиясининг талабалар ётоқхонасига, Чилонзор, Сергели, Мирзо Улугбек туманларидаги мактабгача таълим муассасаларига матрас, кўрпа, ёстиқ каби маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Тақдир тегирмони қанчалар оғир бўлмасин, ўз ҳаётини обод этиш инсоннинг ўз қўлида. Умид билан яшаётган корхона ишчиларининг сидқидилдан қилган меҳнатлари туфайли топилаётган даромад уларга моддий ёрдам бериш, саломатлигини тиклашга сарфланмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик эса имконияти чекланган инсонларнинг яшашга бўлган иштиёқини оширади, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишида ёрдам беради.

Зиёда ВОХИДОВА

Ўзбекистон Давлат консерваториясида магистр талабаларга тантанали диплом топшириш маросими ўтказилди.

Тадбирлар

МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Ушбу етакчи олий ўқув юртида талаба-ёшларнинг пухта илм олиши, ўз истеъдоди ва билимларини рўйбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Асосий мақсад ўз соҳасининг малакали кадрларини тайёрлаш, ёшларга кенг имкониятлар яратиб бериш, истеъодларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳага алоҳида эътибор қаратила бошланди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Равшан Нигматов. — Бу йўлда энг аввало тарихимизни, маданиятимизни тиклаш, ўзигимизни англаш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланди. Шунингдек, ёшларимизга кенг имкониятлар эшиги очилиб, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш борасида белгиланган улғувор мақсадларни рўйбга чиқариш, узлуksиз таълим тизимининг узвий давоми сифатида олий таълимга ёндошув тубдан ўзгарди.

Ишонамизки бугун катта ҳаётга йўл олаётган талаба-ёшлар юртимиз раънақи, бахт-саодати йўлидаги эзгу ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшади.

— Бу даргоҳда кўплаб меҳри устозларимиздан илм сабоқлари санъат йўлидаги машаққатли меҳнат сирларидан баҳраманд бўлдик, — дейди ушбу ўқув даргоҳи магистранти Муниса Аҳмедова. — Улардан жуда ҳам миннатдоримиз. Келгусида устозларимизнинг ўғитлари, берган таълим-тарбиялари йўлимизни ёритиб туради.

Беҳзод ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси талабаси

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ёшларни, авваломбор касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг белгиланган меъёрини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мумкинлиги белгиланган бўлибди. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти сақланиб қолинади. Касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилгача муддатда ишга қабул қилинган бўлиши белгиланган бўлибди.

Шунингдек, кичик корхона уйда ишлайётган фуқаролар (касанақчилар)

ЁШЛАРГА ҚУЛАЙ МҲИТ ЯРАТИЛМОҚДА

билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқ тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолияти тугатилган

тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади. Жорий йилнинг 15 май куни Президентимиз томонидан қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма-

ЭКСПОРТЧИ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур жамғарма жорий йилнинг биринчи ярмида 1482 тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди. Амалга оширилган ишлар натижасида 416 тадбиркор умумий қиймати 512 миллион АҚШ доллари тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилди. Натижада жамғарма кўмағида амалга оширилган экспорт ҳажми 8 фоиз ўсди. Маҳаллий тадбиркорлар билан қатор хорижий мамлакатларнинг савдо қажмалари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиб, умумий қиймати 300 миллион доллардан зиёд экспорт келишувлари имзоланди.

1146 тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, жумладан, 80 тадбиркорга хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам берилди. 220 ишбилармонга хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашишда, 116 тадбиркорга экспорт шартномалари тузиш, халқаро талаб-ёшларга рўйхатга қўйишда, суғурта полиси орқали маҳсулотларни экспорт қилишда амалий ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулот ва хизматларининг асортиментини таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, халқаро талаб-ёшларга мос келишини таъминлашга қаратилган маркетинг изланишлари олиб борилмоқда.

Жамғарма кўмағида юртимиз ишлаб чиқарувчилари мамлакатимиз ва чет эллар-

да ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиб, харидорлар топиш ва шартномалар тузиш, экспорт жүрофиясини кенгайтиришга муваффақ бўлмоқда.

Экспортчи корхоналар имкониятларини ўрганиш, муаммоларини, бартараф этиш, ишлаб чиқарувчиларни экспорт фаолиятига кенг жалб қилишга бағишланган учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

2015 йилнинг май ойида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорларида мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион лойиҳалар» кўрик-танловини эълон қилди. Танлов маҳаллий ва иккиламчи хомашёлари қайта ишлаш ҳисобига янги турдаги экспортбон маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, энг яхши лойиҳалар жамғарма ҳисобидан рағбатлантирилади.

Тадбирда жамғарма томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида олиб борилган ишлар таҳлил қилиниб ва истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишни янада кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

сига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди сугурта бадала ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдориди солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Шайхонтохур туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркорликда яратилаётган бундай қулай шарт-шароитлар тадбиркорлар ва аҳоли билан бўлиб ўтаётган учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатларида кенг қамровда етказилиб борилмоқда.

Қайд этиш лозимки, солиқ қонунчилигига киритилётган бундай янгиликлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратди.

Абдували МАҲМАТОВ,
Шайхонтохур туман Давлат
солиқ инспекцияси бошлиғи
ўринбосари

ИНТЕНСИВ УСУЛ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиғи ҳўзуридаги Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тажриба станциясида интенсив усулда балиқ етиштириш афзалликлари бағишланган илмий-амалий кўргазмали семинар ташкил этилди.

Мамлакатимизда балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш ва аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини узлуksиз таъминлаш мақсадида интенсив усулдан самарали фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чўқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омил бўлаётди.

Интенсив усул озуқа ва сув ресурсларини тежаси билан фойдаланади. Мисол учун, амалдаги астенсив усулда сув ҳавзада қишлоқ ҳўжалиғи учун зарур бўлган апрель – август ойларида ушлаб турилиб, сентябрь ойидан бошлаб чиқариб юборилади. Кичик балиқчилик ҳўжаликлари учун ушбу даврда ўртача 100 куб метр сув керак бўлади.

Интенсив технология эса мулкдорлар учун қулай бўлиб, келажақда фермерлар даромади янада ошишини таъминлайди. Ушбу усулда дала шийпони ёки канал ёқасидаги пахта даласи ёнида 15 куб метр ситимли, сув доимо айланма турайдиган ҳовуз қурилади. Бунинг афзаллиғи шундаки, каналдан келаётган сув ҳовуз орқали экин майдонларига ўтиб кетаверади. Бундай сув экин ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, фермерга битта ҳовузда бир тоннагача балиқ етиштириш имконини беради.

Интенсив технология ем ёйдиган балиқлар етиштиришда, айниқса, қўл келади. Юртимизда шундай тоифадаги қимматбаҳо балиқ турларини кўпайтириш чоралари кўриломқда. Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тажриба станциясида оқар ва шўрланган сувли ҳавзаларда ривожландагилар, тез мосланувчан осётр, африка лаҳаси каби балиқ турлари кўпайтирилмоқда. Ушбу балиқ маҳсулотлари жаҳон бозориди харидоргир бўлиб, қайта ишлаш имкониятлари кенг. Бундай балиқ турларини боқиб ҳам қулай.

Семинарда иштирокчилар илмий-тажриба станциясида ташкил этилган интенсив усулда балиқ етиштириш бўлими фаолияти билан танишди.

Сайёра ШОЕВА

ПЎЛАТ ИЗЛАР — МУҲИМ СТРАТЕГИК ТАРМОҚ

Миллий матбўот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг жорий йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий фаолияти яқунлари ва келгусида амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳаларига бағишланган матбўот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолиғида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида темир йўллар иқтисодий интеграция жараёнларини жадаллаштириш, мамлакатимиз салоҳиятини юксалтириш ва халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим стратегик тармоққа айланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш жадаллаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳамда тармоқда иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида пўлат излар орқали ташилган юк ҳажми янада кўпайиб, 33,3 миллион тоннани ташкил этди.

Оқори тезликда ҳаракатланадиган поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида темир йўл хизматида фойдаланган йўловчилар қилиб 11 миллионга етди.

Саноат корхоналарида 204,4 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, яратилган янги иш ўринлари 200 дан ошди.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши, Мароканд — Қарши, Қарши — Термиз, Самарқанд — Бухоро темир йўл участкаларини электрлаштириш, юк ва йўловчи вагонлар паркинни янгилаш, локомотивларни модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари учун 344,7 миллион доллар маблаг ўзлаштирилди.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баланликда жойлашган Қамчиқ довини бўйлаб қурилаётган Ангрен — Поп янги электрлаштирилган темир йўл линиясидаги бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда, — дейди Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши лойиҳа раҳбари Наврўз Эрқинов. — Лойиҳага кўра, ушбу улкан қурилиш объектда жами 43 миллион куб метр тўпроқ, 16,3 миллион куб метр бурғулаш ишлари бажарилиши, 19,1 километрлик туннель, 285 сув ва 6 йўл ўтказгич, 13 темир йўл кўприги, 6 станция ва 2 вокзал бунёд этилиши кўзда тутилган. Бугунги кунгача тўпроқ ва бурғулаш ишлари бажарилиб, сув ва йўл ўтказгичи ишшоотлари, кўприклар қурилиш тугалланди, «Орзу» вокзали, «Кўл», «Темирйўлбод», «Қўшминор» станциялари қуриб битказилди.

Мароканд — Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш лойиҳасига малакали ишчилар ва замонавий техника воситалари жалб қилиниб, қурилаётган объекларда автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва электр энергия сарфини ҳисоблаш тизимини жорий этиш режалаштирилган.

291 километрлик Самарқанд — Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган бўлиб, 4 навбатчилик пункти ва 3 кичик электр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида алоқа тармоқларини қуриш учун зарур бутловчи қисмларнинг асосий қисми юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу қурилиш харажатларини қаматириб, кўплаб янги иш ўринлари яратилишига имкон яратмоқда.

Матбўот анжуманида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимида «Кексаларни ёзозлаш йили» Давлат дастури ижроси, битирувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ҳам атофлича маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Теран нигоҳ



Ҳар гал шаҳар айланганда беихтиёр бугунни кечага солиштиргимиз келаверади. Кексаликнинг бир ютуғи ўзи шу бўлса керак. Гап шундаки, ёшлар бугунни билади, қариялар эса кўп йиллик ўтмишдан ҳам бохабар-да, ахир.

Узоққа бормай, шаҳримизни кесиб ўтган канал ва ариқларнинг бундан йигирма йиллар олдинги даврлардаги аҳолини эслайлик. Улар қинғир-қийшиқ бўлиб, ўз мароми билан оқар, қирғоқлардаги дарахтлар буталмай, илдизлари бесўнақай тарвақайлаб, сув билан оқиб келган шох-шаббани тўплаб ётар, баъзи жойларда мундоқ юзингни ювмадан деб қирғоқдан сувга етиб ҳам бўлмас, чакалакзор бўлиб ётар, қолаверса, улар қирғоғида пала-партиш қурилган ошхоналар, улар атрофи чиқинди ташланадиган ерга айланган эди.

Ҳозир-чи? Эҳ-ҳе, биргина сўнги ўн йил орасида пойтахтимиз канал ва ариқларини тартибга келтириш, атрофини ободонлаштириш, қирғоқлар бўйлаб одамлар юрадиган равон йўлаклар барпо этиш ва ҳоказо ишлар қилиндики, буларнинг бари айтишгагина осон, холос.

Бу йилги ёз ҳар қачонгидан иссиқ келди. Бундай кезларда кўнгли сув бўйларини тусайверади. Жон ҳузур топади-да. Шу кунларда шаҳримиз аҳолиси ана шу сувлар бўйида сайр қилиб юриб, маза қилляпти. Тоза нафас ва нисбатан салқин ҳаводан баҳраманд бўляпти.

Ҳамкасбларимиз билан каналу ариқларимиз бўйларини айландик.

Авалло, ҳар бир соҳада эзгу ишлар амалга оширилганига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Чиройли ва мухташам бинолар, улугвор кўприклар, кенг ва равон йўллар, гулу чечакка бурканган боғу роғлар кўрган кўзни қувнатиб, шаҳримиз чиройига чирой қўшиб, кўрқига кўрк бағишлаб турибди. Дарҳақиқат, пойтахтимизда янги боғу роғлар ва кўкаламзорлаштирилган майдонларнинг барпо этилаётгани шаҳримиз об-ҳаво муҳитини яхшилашда муҳим аҳамият касб этапти. Ана шундай боғу роғлар ва кўкаламзор майдонларни сув билан таъминлашда пойтахтимизнинг «қон томири» ҳисобланган анҳор, канал ҳамда ариқларнинг ўрни – бекиёс. Ахир, сув – ҳаёт манбаи, тирикликнинг асоси. Ҳар қандай шаҳарнинг ободончилиги ҳам – аввало, сув билан.

Шаҳримиздаги мавжуд канал ҳамда ариқларни тоза-озода сақлаш, уларнинг атрофини ободонлаштириш ва аҳоли дам оладиган сайилгоҳларга айлантириш борасида бугунги кунда салмоқли ишлар олиб борилаётир. Ўтган йиллар давомида пойтахтимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи бир қатор каналлар атрофидаги санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, бу ерларда пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун мазмунли ҳордиқ чиқариш масканларини барпо этиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Бўзсув каналининг Алишер Навоий кўчаси (яъни Ўрда)даги кўпригидан то Амир Темур кўчаси (яъни телеминора)даги кўпригига қадар бўлган қисмидаги қирғоқлари реконструкция қилиниб, обод ва кўкаламзор масканларга айлантирилди. Қирғоқ бўйлаб чўзилган йўлакларда одамлар учун ўриндиқлар ўрнатилди. Ёзининг ҳозирги жазирама иссиқ уфуриб турган кунларида бу соя-салқин ҳудудларда мароқли ҳордиқ чиқараётган ҳам-шаҳарларимиз яратилган шароитлар учун тасаннолар айтишяпти.

Бу борада шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тасарруфидаги Каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқармаси аҳли амалга ошираётган эзгу ишларни алоҳида айтиш жоиз. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида бу бошқарма томонидан Миробод туманидаги Кўйлик мавзесининг 2-дахасидан оқиб ўтади-

ган Катта Толариқ каналининг 202 погонметр қисмида, Мирзо Улуғбек туманидаги «Ёшлик» соғломлаштириш ва спорт мажмуаси ҳудудидан оқиб ўтадиган Салар каналининг 265 п/м қисмида ва Жун каналининг 585 п/м қисмида катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, бошқа бир қанча канал ва ариқларни тозалаш, уларнинг атрофини ободонлаштириш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Буларнинг бари – яхши. Одамни қувонтиради. Тобора гўзаллашиб бораётган шундай шаҳарда яшаётганинг учун дил-дилдан Яратганга шукрона айтасан. Завқ-шавқ билан яшаётганинг, баракали меҳнат қилганинг, яратиб-яшнатганинг келади.

Лекин... Барибир, беш қўл баробар бўла олмас экан. Ҳамманинг ҳам фаросати, ҳаётини қатъиятлари бир хил бўлавермас экан. Мана шундай кўплаб эзгу ишлар амалга оширилаётган бир пайтда айрим ҳамшаҳарларимизнинг канал ва ариқлар суви ва атрофи тоза-озодалигига путур етказётганини кўрсанг, ростки гап, ачиниб кетасан.

Зийрак бобо шаҳар кезади

АНҲОР ВА КАНАЛЛАРИМИЗНИНГ ТОЗАЛИГИ — САЛОМАТЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Анҳор каналининг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнидан ўтган қисмида бир пайтнинг ўзида яхши ва ёмон манзаранинг гувоҳи бўласиз. Яхши томони шуки, канал атрофи кўкаламзорлаштирилган, одамлар мароқли ҳордиқ чиқариши учун қулай ва соя-салқин жойга айлантирилган. Ёмон томони шундаки, сув оқиб келган бир дунё чиқинди қувур оғзидаги темир панжарага тикилиб, бир тўп бўлиб йиғилган. Бизга ҳамроҳлик қилган Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тасарруфидаги Каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқарма вакилининг сўзларига қараганда, бу жой бир кунда уч маротаба тозаланар экан. Бундан кўринадики, канал сувига бир ёки икки киши эмас, жуда кўплар томонидан ҳар кун чиқинди ташланади.

Шу ҳам инсофданми? Бу ҳолатга йўл қўйиб бўладими? Бундай маънавиятсизлик қачонгача давом этади?

Миробод туманидаги Кўйлик массивининг 1-, 2-, 3- ва 4-дахалари орасидан оқиб ўтадиган Толариқ канали атрофини айланганимизда бу ерда тозалаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Атрофда қилинаётган ишларни кўриб: «Ха, яқин келажакда бу жой жуда обод бўларкан-да», – дейсиз. Каналнинг икки четига бежирим қилиб тош терилган. Иккала ёндан ҳам аҳолининг сайр қилиши ва ўтириб дам олиши учун йўлқалар текисла-моқда, ўриндиқларни ўрнатишга тараддуд кўрил-моқда.

Аммо худди шу каналнинг Сергели тумани «Обод» маҳалласи ҳудудидан ўтган қисмида, умуман, бошқача, яъни бунга тескари ҳолатга дуч келдик. Атроф тозаланмаган. Сув бўйидан одам юришининг ҳеч ҳам илоҳи йўқ. Энг ёмони, каналнинг ёнида товукхона ҳам қурилган экан. Паррандалардан чиқадиган чанг, гўн ва бошқа зарарли нарсалар сувга келиб тушиши – аниқ. Бу сувда чўмила-диганларнинг саломатлиги учун қони зарар-ку.

Салар каналининг Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласидан ўтган қисмида тоза-

лаш ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик. Канал тубидаги чўкиб қолган лойқалар ва сувнинг кўтарилишига сабаб бўладиган бошқа барча чиқиндилар олиб ташлан-моқда.

Қаерда бўлмасин, тозалик борасида олиб борилаётган ҳар қандай иш кишининг кайфиятига ижобий таъсир этади. Шу тумандаги Бўри-жар каналда ёш болаларнинг чўмилаётгани бизни ажаблантирди. Рухсат берилмаган жойда болаларнинг ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, чўмилишга чек қўйиш керак. Бунинг учун, албатта, ён-атрофдаги аҳоли, маҳалла-кўй жиддий эътибор қаратиши лозимку.

Чигатой каналининг Олмазор тумани ҳудудидаги Кичик ҳалқа йўлидан ўтадиган қисмида бир киши каналдан турли чиқиндиларни олиб ташлаётганига кўзимиз тушди. Яқин бориб, у кишини суҳбатга қорладик.

– Бу жойни бир кунда икки-уч мартадан тозалашга тўғри келяпти, – дейди шу ишга масъул бошқарманинг 3-бўлимаси ишчи ирригатори Баходир Нигматов. – Чиқиндиларнинг тўпланиши сувнинг тошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Қайси мантиска кўра одамлар чиқиндини сувга ташлайди? Бундай одамларни тушуниб бўлмайди. Шаҳримизнинг ҳамма ҳудудида чиқинди ташлаш шохобчалари бўлса, Чиқиндилар ўша ерга ташлан-са, шаҳримиз канал ва ариқларидаги сувларнинг тозаллиги сақланарди.

Мана шу каналнинг «Ўзқўргазмасавдо» мажмуаси рўпарасидан ўтадиган қисмида ҳам бир талай чиқинди тўпланиб қолган. Сувда, ҳалқона қилиб айтганда, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Шундай нарсалар ташланганки, уларнинг номини айтишга ҳам тилинг бормайди.

Шаҳримизда ҳар кун сувга шунчалар кўп чиқинди ташланаётганини ўйласанг, баъзи одамларимизнинг шу даражада тубанлашиб бораётганидан хавотирга ҳам тушасан киши. Телеканаллар, радио тўлқинлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, мактаблар ва бошқа таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда тозалик, озодлик, ободонлаштириш, шаҳримиз, юртимиз ободлигини сақлаш ҳақида тинмай бонг уриляпти. Катта амалий ишлар қилинапти.

Шундай маҳалда еган қовуну тарвузининг қолдиғини, бошқа чиқиндиларни оқиб турган сувга ташлаш ноинсоф кимсанинг иши эмасми?

Пойтахтимиздаги айрим канал ва ариқларнинг атрофи, сувда оқиб келаётган ҳар хил нарсаларни кўриб: «Наҳотки, доно халқимизнинг: «Сувга тупуриб бўлмайди», «Сувга чиқинди ташланмайди», «Сувнинг бир томчи-си ҳам – сув», – деган эзгу тушунча ва ҳикматлари баъзилар учун таъсир қилмаса?!» – деб ўйлаб қоласан.

Кейинги йилларда сув ҳавзаларининг атрофини ободонлаштириш, одамлар дам оладиган шинам ва гўзал жойларга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана шундай эзгу ишларга аҳоли ҳам ўзининг тозаллиққа бўлган эътибори билан озгина хисса қўшиши ҳам қарз, ҳам фарз. Ахир, канал ва ариқларнинг суви ва ён-атрофининг тозаллиги, кўкаламзорлиги шаҳримиз иқлимини мўтадиллаштиради-ку. Бу эса кишилар саломатлигини яхшилашга хизмат қилади-ку. Борингки, ҳаммамиз шу ҳаводан нафас оламиз-ку.

Халқимизда: «Бир каттанинг, бир кичик-нинг айтганини қил!» – деган нақл бор. Келинглр, кўпни кўрган одамларнинг сўзига қулоқ тутинглр: сувни ифлос қилмайлик, канал ва ариқларимизни шаффоф тутаёлик!

Бу гал Зийрак бобога Салим ХўЖАЕВ ва Исмоил АБДУСАТТӨРОВлар ҳамроҳлик қилишди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ



Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидида барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар микёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдоларда мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин. Тел: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: 228-80-24. Лицензия: RR-0001.

Диккат! Диккат! Диккат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» MCHJ бошлангич нарх босқичида очиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қўйиладиган давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган «Landshaft Dizayn Markazi» Давлат унитар корхонаси.

Бошлангич нархи – 72 668 300 сўм.

Баландасакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. «O'rtasiy Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Авиа-шаҳарча, 75-уй манзилида жойлашган «O'rtasiy Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси.

Бошлангич нархи – 505 182 000 сўм.

Баландасакловчи: «O'rtasiy Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси.

Фаолияти ихтисоси: Республика бўйича халқ ҳўжалиги объектларида бурғулаш, портлатиш ва махсус ишлар бажарувчи 1, 2, 4, 5 махсус механизацияланган кўма жамланмаларнинг ишларини назорат ва мувофиқлаштириш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» MCHJ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 28 август кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар 2015 йил 14, 28 сентябрь, 13, 27 октябрь, 10, 24 ноябрь, 9, 23 декабрь, 2016 йил 7, 21 январь, 4, 18 февраль, 3 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича солиқлик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активы бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» MCHJнинг қўйиладиган банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим. АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ.р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кун савдо бошланишидан уч соат олдин тавом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилининг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz. www.gkl.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонида зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Ҳарбий таълим муассасалари педагог кадрлар малакасини ошириш Марказига ўқитувчи лавозимларида Танлов Эълон қилади

- ўқитувчи (педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар) – 1 ўрин;
- ўқитувчи (педагог-психолог) – 1 ўрин;
- етакчи методист (педагогик стажга ва тажрибага эга бўлган педагог) – 1 ўрин;
Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- марказ бошлиғи номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий ва-рақа;
- олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси. Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари керак. Ҳужжатлар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳудудидаги Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш маркази.

Телефон: 267-14-68.

Бундай хунук манзаралар кўнглини ранжитади...



«Чигатой» каналининг «Ўзқўргазмасавдо» мажмуаси рўпарасидан ўтган қисми



Анҳор каналининг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнидан ўтган қисмидаги ҳолат



Олмазор туманидаги 111-мактаб яқинидан ўтган каналнинг аҳоли



Чилонзор тумани 7-мавзедаги 179-мактаб ёнидан ўтган ариқ ҳолати



Спорт

МИЛЛИЙ КУРАШ — ҚАДРИЯТ ЎЧОҒИ

Ёшлик инсон ҳаётидаги энг беғубор давр. Илм олиб, ҳунар ўрганиш билан жамиятда ўз ўрнимига эга бўламиз.

Шундай бўлса-да, фурсатдан унумли фойдаланмасдан вақтини бекор ўтказадиган ёшлар кўп имкониятларни йўқотаётганини билмайди. Бундай бўлмаслиги учун инсон доимо интилиши, ҳаракатда бўлиши, спорт билан шуғулланиши лозим. Чунки спорт кишининг соғлиғини мустаҳкамлаш ва жисмоний ривожлантириш билан бирга кийинчиликларни енгиласанга ўргатади.

Чилонзор тумани «Хирмонтепа» маҳалласида жойлашган «Баркамол авлод» Республика болалар техник ижодиёт маркази бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказадиган масканга айланган. Бу масканда болалар учун дурадгорлик, радиотехника ва электрон ўйинчоқлар, қизлар учун либослар дизайни, қўлчилик, ёш мусаввир, автомобиль ясаш каби тўғрақлар фаолият олиб бормоқда.

Айниқса, мажмуадаги турон яққа кураши мактаби ўқувчи-ёшларнинг энг сеvimли даргоҳи ҳисобланади. Унда 70 дан ортиқ ёшлар тажрибали мураббийлардан сабоқ олиб келишмоқда. Машғулотлар деярли ҳар кун белгиланган тартибда бўлиб ўтади. Кичик ёшдаги ўғил ва қизлар машғулотларга

дарсдан сўнг қатнашади. Бу ерга болалар 6-7 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Ўтган йиллар мобайнида ушбу даргоҳнинг жуда кўп ёш спортчилари мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритди. Жумладан, 2014 йили Самарқанд вилоятида Осиё чемпионатида йўлланма берувчи Республика саралаш мусобақасида 34 кг вазн тоифасида Жавоҳир Тошмуҳаммедов биринчи ўринни эгаллади. Шу йили катталар ўртасида бўлиб ўтган Республика биринчилигида эса Аббос Нурхўжаев 60 кг вазн тоифасида шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида қизлар ўртасидаги мусобақаларга қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритдим. Бу спортда нафақат оёқ-қўл, балки эркин машқлар орқали қилинадиган ҳаракатлар ҳам мавжуд. Айнан шу сифатлари

билан бошқа спорт турларидан ажралиб туради.

Спорт билан шуғулланган инсон жисмонан соғлом, ўзини ҳимоя қила оладиган, мард, жасур бўлиб улғаяди. Беллашувларда натижага эришиш учун кўп маш ва тайёргарлик зарур. Болаларни мактабдан ташқари бўш вақтларини самарали ўтказишда бу каби масканларнинг ўрни жуда катта ҳисобланади. Улар келажакда қайси соҳани танламасин ёшликда олган билим ва ҳунари орқали жамиятга фойдалари тегиши шубҳасиз.

— Турон яққа кураши жуда қизиқарли спорт турларидан биридир, — дейди «Баркамол авлод» Республика болалар техник ижодиёт марказининг яққа кураш бўйича мураббийи Содиқ Қосимов. — Мамлакатимизда етишиб чиқаётган курашчи полвонлар халқроқ майдонда юқори натижаларга эришиб, байроғимизни боши узра баланд кўтараяётгани давлатимиз томонидан спортга бўлган эътибор натижаси, десак хато бўлмайди.

Ёшларнинг бу каби миллий спорт ва ўйинларимиз билан шуғулланиши мард, жасур бўлишида оиласи, ватанини ҳимоя қилувчи инсон бўлишида ёрдам беради. Шу билан бир қаторда спорт мамлакатни дунёга танилишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Абдулазиз МУСАЕВ

Хитойда ўтказилган «Tour of Qinghai Lake» кўпкунлик велопойгасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ХИТОЙДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Нуфузли турнирда ўттизга яқин давлатдан юз нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар билан бирга 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколари учун баҳслашди. Мусобақада Ватанимиз шарафини Муроджон Холмуродов, Юсуф Аббасов, Абдуллажон Акбаров, Ақромжон Суннатов, Жаҳонгир Дармонов ва Никита Абрамов каби спортчиларимиз ҳимоя қилди.

Ўзбекистон велоспорт федерацияси маълум қилишича, тоғли трасса бўйлаб 2030 километр масофага бир неча босқичдан иборат бўлган кўпкунлик велопойгасида якунига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси Осиё жамоалари орасида энг юқори натижага эришиб, биринчи ўринни эгаллади. Шахсий ҳисобда ўтказилган пойгаларда Абдуллажон Акбаров кумуш медални қўлга киритди.

— Мазкур турнир тажриба ва маҳоратимизни синовдан ўтказиш ҳамда ўзимизга бўлган ишончимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди, — деди М.Холмуродов. — Олдинда Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун рейтинг очколари йўналдиган қатор нуфузли турнирлар кутмоқда. Уларда ҳам муносиб иштирок этиб, юқори натижага эришишга ҳаракат қиламиз.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

икки шахснинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари қонуний фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчиларда шубҳа уйғотди. Шундан сўнг улар ҳужжатларни қалбақлаштириб, фаолият кўрсатаётганларга нисбатан чора кўришларини сўраб, тегишли жойга ариза билан мурожаат қилишди.

Қисқаси Назир Аҳмаджонов ва Жалолиддин Раҳимбердиевларнинг ноқонуний ишлари текшириш жараёнида аниқланди. Суд уларга жазо тайинлашда муқаддам судланмаганлигини, қилмишларидан пушаймонлигини ва бошқа жиҳатларини инобатга олди.

Мақсуд ҲУЛОМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаменти
Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими катта суриштирувчиси

САРГУЗАШТЛАР ОРОЛЧАСИ

Шайхонтоҳур туманидаги 314-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Қўрғонча» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Қамолот» ЁИХ туман Сардорлар Кенгаши фаоллари иштирокида «Саргузаштлар оролчаси» деб номланган тадбир ташкил этилди.

Тадбир «Ёзги «Қамолот» билан» лойиҳаси доирасида ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш таллабларига асосида, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Унда 115 нафар оромгоҳ тарбияланувчилари турли хил интерактив, «Қувноқ эстафета», «Денгиз остига саёҳат» каби турли кўнгилочар ўйинлар бўйича ўзаро беллашдилар. Айниқса, мевалардан тайёрланган шахмат ўйини болажонларга манзур бўлди.

Бундай тадбирлар ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш тарзи таллабларига асосида, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
бошқармаси қўйидаги таълим
муассасасида вакант (бўш) бўлган
директор ўринбосарлари лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1	Тошкент туризм, касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 2-мавзё, А.Дониш кўчаси, 28-уй
Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига		
2	Тошкент туризм, касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 2-мавзё, А.Дониш кўчаси, 28-уй

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларининг малака талаблари: ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: Касб-ҳунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, педагогик иш стажини 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (справка-объективка);
 2. Таржимаи ҳол;
 3. Олий маълумоти ҳақида диплом нусхаси;
 4. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
 5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
 6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
 7. Паспорт (нусхаси);
 8. Тавсифнома;
 9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан қўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.
- Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй
Тел: 252-23-35

«Тошкент окшоми» газетасининг 2015 йил 22 июль кунги 149-сонидан чоп этилган хабарномага қўйидаги ўзгариш киритилмоқда: аукцион савдосида қатнашиш учун тўланадиган закат пули: «қўчмас мулк бошланғич нарҳининг 30% миқдорида кам бўлмаган» деб ўқилсин.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари Бош бошқармаси Гафур Ҳулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг директори Баҳодир Тўхтамуродович Султоновга қизи

МУНИСАХОННИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 июль ва 29 июль кунлари Тошкент шаҳрида кенг шаҳрининг об-ҳаво 28 июль кунги ҳаво ўзгариш шариоти шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддалар бўлмайди. Шарқдан секунди-га 3-8 метр тезликда шимол-ғарбдан келадиган даражаси паст — 23-25, кундузи — 36-38 бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚЎЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Миробод саноат, касб-ҳунар коллежи	Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 1-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажини талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими худудий бошқарма бошлиғи номига ариза;

2. Сўровнома (справка-объективка);
 3. Таржимаи ҳол;
 4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
 5. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
 6. Паспорт (нусхаси);
 7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
 8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан қўрсатилади.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.
- Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

**Тошкент «Меҳр-шафқат» коллежи
Ўқув ишлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: касб-ҳунар коллежининг йўналиши ва тегишли билим соҳаси бўйича олий маълумот эга бўлиши, педагогик иш стажини 5 йилдан, малака даражаси катта ўқитувчидан кам бўлмаслиги талаб этилади.

2. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: педагогик ёки ижтимоий соҳа бўйича олий маълумотга эга бўлиши, педагогик иш стажини 5 йилдан, малака даражаси катта ўқитувчидан кам бўлмаслиги лозим.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент окшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95;
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г-755

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6711 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпириш: 15.30